

**Ички аудитни такомиллаштириш масалалари**

Яриев Шерзод Шукуржанович,  
Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада давлат секторида ички аудитни такомиллаштириш масалалари ёритилган. Ички аудитни ташкил этишда хориж тажрибасидан фойдаланиш таклифи берилган.

**Калим сўзлар:** аудит, аудиторлик фаолияти, рақамли аудит, ички аудит, аудиторлик хизмати.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования внутреннего аудита в государственном секторе. Предлагается использовать зарубежный опыт организации внутреннего аудита.

**Ключевые слова:** аудит, аудиторская деятельность, цифровой аудит, внутренний аудит, аудиторские услуги.

**Abstract.** This article covers the issues of improving internal audit in the public sector. It is proposed to use foreign experience in the organization of internal audit.

**Keywords:** audit, audit activity, digital audit, internal audit, audit service.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори<sup>20</sup> билан вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари фаолиятида бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасига қаратилган асосий йўналишлар белгиланди. Бунда асосан вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг фаолиятида масофавий аудитни кенг қўламда қўллаш орқали ички аудит тадбирлари самарадорлигини оширишга эътибор қаратилди.

Давлат секторида ички назорат ва ички аудитни такомиллаштириш бўйича ўрта муддатда қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш лозим: Ўзбекистонда ички назорат тизимининг концептуал асосларини яратиш; давлат секторида ички аудит тизимини қонунчилик даражасидаги асосларини мустаҳкамлаш; ички аудит хизматлари фаолиятини рақамлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш.

Давлат секторида ички ва ташқи аудитни ташкил этишнинг янгича ёндашувларини шакллантириш ҳамда замонавий технологиялари ва услубларини жорий қилиш, молия-банк ахбороти савияси ҳамда сифатини ошириш, халқаро стандартларга, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мослаштириш, ундан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Давлат секторида ички аудитни ташкил этиш халқаро амалиётда қандай? Бу саволга жавоб бериш мақсадида баъзи хорижий мамлакатлар тажрибасини

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори



келтирамиз. Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, аксарият мамлакатларда давлат секторида ички аудитни ташкил этиш ва методологик таъминотида асосий ўринни Молия вазирлиги эгаллаган. Жумладан, Францияда Давлат молиявий назоратини ўрнатишда ички аудитнинг ролини кучайтириш мақсадида “Ички аудитни гармонизациялаш бўйича марказий қўмитаси (СНАИ)”, Украинада эса Давлат аудиторлик хизмати департаменти ташкил қилинган. Францияда давлат бюджетидан молиялаштириладиган вазирликларда ички аудит қўмиталари, Украинада эса ички аудит бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.<sup>21</sup>

Буюк Британияда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларида ички аудит Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши томонидан ишлаб чиқилади. Мазкур стандартларни ишлаб чиқишнинг алоҳида хусусияти шундаки, уларни ишлаб чиқишда Ички аудит стандартларини ўрнатувчилар (Relevant internal audit standard setters) томонидан белгиланган талаблар асос сифатида олинади. Ички аудит стандартларини ўрнатувчилар таркибига Давлат молияси ва бухгалтерия хисоби жамоат институти (CIPFA), НМ Ғазначилиги (HM Treasury), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги киради.<sup>22</sup>

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 416-сон қарорига асосан “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ” тасдиқланди.<sup>23</sup> Ушбу низомга мувофиқ вазирлик ва идоралар ички аудит хизматининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб берилди.

Низомга асосан, ички аудит хизматининг асосий мақсади вазирлик ва идораларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини профилактика қилиш, бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш ҳамда ички аудит фаолияти соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

Давлат секторида ички назорат ва ички аудит тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2024 - 2026 йилларда қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда<sup>24</sup>:

-Давлат секторида ички назорат тизимини ривожлантириш бўйича: Жаҳон банкининг “Институционал салоҳиятни ривожлантириш лойиҳаси” доирасида Pricewaterhousecoopers (PWC) халқаро консалтинг компанияси билан биргаликда

<sup>21</sup> Колесник А.Л. Организация и методика проведения внутреннего аудита распорядителями средств федерального бюджета. Дисс. к.э.н. Москва. 2017. С-45.

<sup>22</sup> <http://www.iasab.org/> -Буюк Британиянинг Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши расмий веб сайти.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 416-сон қарори.

<sup>24</sup> БЮДЖЕТНОМА 2024–2026. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги. Тошкент. 2023 йил.



халқаро илғор амалиёт асосида мамлакатимиз вазирлик ва идораларининг ички назорат тизимини баҳолаш орқали “Ўзбекистонда ички назоратни ривожлантириш концепцияси” ва уни амалга ошириш “Йўл харитаси” ҳамда вазирлик ва идораларда ички назоратни ташкил этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгиловчи “Ички назоратни ташкил этиш қўлланмаси” лойиҳасини ишлаб чиқиш.

-Вазирлик ва идоралар ички аудит фаолиятини услубий таъминлаш бўйича: Давлат секторида ички аудит тизими қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, бирлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида “Давлат ички аудити тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш; Мазкур қонун билан қуйидагилар назарда тутилади: - давлат ички аудитининг асосий тамойиллари ва ички аудит соҳасидаги ваколатлар; - ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, фаолиятга ахборот технологияларни жорий этиш; - ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги; - ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш.

-Ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш ва ходимлар салоҳиятини ошириш бўйича: - вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолашни ташкил этиш. Бунда вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолашни амалиётга жорий этиш орқали тегишли норматив ҳужжатларга амал қилинишини таъминлаш ҳамда фаолиятни янада такомиллаштириш чоралари кўрилади. -Ички аудит фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш орқали фаолиятни автоматлаштириш ва масофавий аудит ўтказиш ҳамда ташқи баҳолаш натижаларини қамраб олувчи “Ички аудит” дастурини яратиш.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, давлат секторида ички аудит такомиллаштиришни талаб этади. Бу борада илғор хориж тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.